

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ
СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 16-iyul, chorshanba
№ 56 (15798)



Navqiron avlod so'zi

ЮРАГИМ УРАДИ ФАҚАТ СЕНИ ДЕБ!..

Бугун биз, Ўзбекистон ёшлари дунёнинг ҳеч бир ривожланган мамлакати ёшларидан кам эмасмиз. Ҳатто шундай истеъдодли тенгдошларимиз борки, баъзи соҳаларда уларни ортда қолдиришга ҳам муваффақ бўлаётимиз. Юрагида Ватан меҳри жўш уриб турган ҳар бир ўғил-қиз шу юрт учун нимадир қилсам, дейди. Истиқлолимиз шарофати билан ёшларга берилаётган имкониятлардан эса унумли фойдаланиш бизнинг айна пайтдаги асосий вазифамиздир.


Юртимизда меҳнат қилган инсоннинг қадри баланд. Шу вақтгача камтарона меҳнатларим юқори баҳолангани, мени янада янги мақсадлар сари дадил қадам ташлашим учун туртки бўлди. Бизга яратилаётган имкониятлардан иложи борича самарали фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Мақтабда ўқиб юрган вақтларим дарсларни пухта ўзлаштиришга астойдил интилдим. Хоразм вилояти Шовот туманидаги аниқ фанларга ихтисослашган 49-мактабни аъло баҳоларга битирганимдан сўнг, Урганч давлат университети физика-математика факультетига ўқишга қабул қилиндим. Айна пайтда университетнинг мазкур факультети «Математик таҳлил» йўналиши магистрантиман. Шу кунга қадар университетда ўтказилган Республика фан олимпиадалари ва турли танловларда иштирок этдим, фахрли ўринларни эгалладим. Изланишларимнинг асосий йўналиши бўлган «Биомеханик жараёнларни математик моделлаштириш» мавзусида ўттиздан ортиқ илмий мақолаларим чоп этилди.

Интилишларим, ҳаракатларим самараси сифатида мазкур йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Бу ўзимга бўлган ишончимни орттириб, ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундади.

Ёшлик инсон ҳаётидаги ёрқин фасл, уни умр баҳори дейишади. Бу даврни қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Шу юртнинг бахтли фарзанди сифатида унинг тараққиёти, ривожини учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солаётган ёшлар сафида эканлигимдан мамнунман. Илмий фаолият билан шуғулланаётган мен каби ёшларга давлатимиз томонидан қулай шароитлар яратилгани, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватланаётганимиз илм-фан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиш, юқори чўққиларни забт этишга ундайди.

Нурбек ХЎЖАТОВ,
Урганч давлат университети магистранти,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат
стипендияси соҳиби



Рустам Назарматов олган суратлар

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Президентимиз раҳнамолигида соғлом зурриётни дунёга келтириши, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши, ёшлар, айниқса, қизларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамиятимизда хотин-

қизларнинг ролини янада ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлат дастурида ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва хотин-қиз-

ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Хоразм вилояти Урганч туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар, ота-оналар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шахрида корхона, ташкилот ва муассасалардаги ёшлар ўртасида мини-футбол бўйича «Камолот» кубоги мусобақасининг минтақавий худудий босқичи бўлиб ўтди.

«Нукус идеал сервис» масъулияти чекланган жамиятига қарашли мини футбол стадионида ўтказилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти жамоалари ўзаро беллашди. Мусобақа якунида Қорақалпоғистон Республикаси ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси жамоаси биринчи ўринни, «Алоқабанк» Хоразм филиали жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ҳаракатнинг Чилонзор тумани кенгаши «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз!» шиори остида концерт дастурларини ўтказмоқда.

«Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирокида ташкил этилаётган концерт дастурлари таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар, маҳалла гузарларида бўлиб ўтаётди. Шундай тадбирлардан бири Чилонзор тиббиёт коллежида ўтказилди. Тадбир аввалида ёш дизайнер Шаҳноза Фуломжонованинг миллий ва замонавий матолар асосида яратилган «40 либос нафосати» номли кўргазмаси намойиш этилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гулистон шахрида мини футбол бўйича корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида ўтказилаётган «Камолот» кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада Гулистон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, маданият ва спорт бўлими, «Асакабанк» ОАТБ Гулистон шаҳар филиали, Каратэ федерацияси Гулистон шаҳар бўлими, «Ипотекабанк» АТИБ Сирдарё вилоят филиали, «Микрокредитбанк» ОАТБ Гулистон шаҳар филиали, халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Гулистон шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда Сирдарё вилоят дори-дармон шўъба корхонасининг футбол жамоалари ўзаро беллашди. Қизғин баҳсларга бой бўлган мусобақа сўнгида Гулистон шаҳар ҳокимлиги жамоаси ғолиб бўлди.

ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Туманда фаолият кўрсатаётган 11 қишлоқ, 58 маҳалла фуқаролар йиғини, 42 умумтаълим мактаби ҳамда 8 касб-хунар коллежида ёшлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги, 12 йиллик таълимнинг бепул ва мажбурийлиги тўғрисида ўтказилган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, маҳалла фаоллари аралашуви билан 12 нафар коллеж ўқувчиси эрта турмушга чиқишининг олди олинди.

Бундай тадбирларда ўсмирлар, айниқса, қизларда шахсий гигиеник қоидаларга риоя қилишни шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, турли муносабатлар, ҳомиладорликка оид жараёнлар, кийиниш маданияти, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари бўйича соҳа мутахассислари томонидан батафсил маълумот берилмоқда.

Бугунги кунда умумтаълим мактаби ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ва касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётди. Бу борада туманда муайян ишлар амалга оширилиб, маҳаллаларда маҳалла маслаҳатчилари томонидан умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган битирувчилар ҳисобини юритиш дафтари ташкил этилган. Унда ўқувчиларнинг юриш-туришидан тортиб нималарга қизиқиши, оилавий аҳволи, келажакдаги режалари, хуллас, барча тегишли маълумотлар қайд этиб борилмоқда.

Жорий йилда тумандаги касб-хунар коллежларини битирган 1 минг 909 нафар ўқувчининг 889 нафари қизлардир. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш масаласи доимий эътиборда. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилмоқда.

Хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этаётди. Жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган шундай ярмаркаларда 885 нафар аёл ва 76 коллеж битирувчисига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз истиқлолнинг моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрни, турмушимизда, онгу тафаккуримизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни янада тегран англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана — истиқлол байрамининг 23 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни

ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш белгиланган. Туманда мазкур қарор асосида дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан шу кунларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсонни қадрлаш ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу эзгу амаллар туманимизда рўй берган улкан ўзгаришлар мисолида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Илмга чанқоқ, билимдон ва бахтли, қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғулари жўш урган туманимиз ёшлари бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан эркин ва фаровон юртимизнинг янада обод бўлиши ва тараққий этишига муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб камолга етмоқда.

Барно БЕРДИЕВА,
Ургач тумани ҳокими ўринбосари,
туман хотин-қизлар кўмитаси раиси.
(Ўза)

«Yoz — 2014»

АМИР ТЕМУР ФОРИГА САЁҲАТ

Жорий йил Жиззах вилоятида ўн тўртта шахардан ташқарида, эллик тўртта мактаблар қошида оромгоҳлар фаолият кўрсатяпти. Уларда ўн беш минг нафарга яқин ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.



Теварак-атрофи арчалар билан қопланган Моргузар тизма тоғлари оралигида жойлашган «Камолот» болалар оромгоҳи ҳам ҳар ёзги таътилда болажонларнинг шўх ўйин-кулгиларига тўлиб кетади. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Эрта тонгдан навбатдаги сайрга отланган ўқувчилар ён-атрофи йирик харсангтош, қалин шох-шабба ва бутазорлардан иборат тепалик олдида тўхташди. Ушбу тепалик остида Амир Темур ғори жойлашган эди. Педагог-тарбиячи Суннат Муродов болаларга бу жойнинг тарихи, табиий хусусиятлари, жониворлари, қушлари ҳақида ҳикоя қилар экан, болалар устоз сўзларини ёндафтарларига ёза бошлади.

Ўша куни Фаллаорол туманидаги Қашқабулоқ қишлоғида жойлашган «Камолот» оромгоҳидан дам олувчилар бир олам таассурот билан қайтишди.

— Оромгоҳимизда болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди «Камолот» болалар оромгоҳи директори Шавкат Тожибоев. — Бу сўлим гўшада 115 нафар ўғил-қизимиз мароқли дам олиши, саломатликларини мустаҳкамлаши учун белгиланган режа асосида иш олиб бориляпти.

Дарҳақиқат, оромгоҳ остонасига қадам қўйишингиз билан «Бугун дам олиш масканида» деб аталувчи ёзувга ва иш режасига кўзингиз тушади. Унинг

ёнида болажонларнинг бир кунлик ҳаётини акс эттирувчи фотостендлар осиглиқ. Одатдагидек эрталабки машқлардан сўнг уларни мазали нонушта, «Ўрдақ-ғоз», «Овозидан таниб ол», «Бекинмачоқ» каби ўйинлар, ундан кейин эса «Чаққонлар, зукколар ва эпчиллар» спорт мусобақаси, «Менинг ўлкам», «Баланд қоя ва тоғлар», «Қанотли ҳимоячиларимиз» каби мавзулардаги кўриктанловлар кутади.

Умуман, вилоятда ўқувчиларнинг ёз мавсумида кўнгилли дам олишлари учун пухта тайёргарлик кўрилган. Бу мавсумда ҳам мутасадди ташкилотлар ўз тасарруфидаги оромгоҳларни ётоқхона мебеллари, ошхона ва спорт жиҳозлари, дори-дармон, санитария ва гигиена воситалари билан тўла-тўқис таъминлашган. Кўчма кутубхоналар кўплаб болаларга аталган бадиий асар ва методик қўлланмаларга бой. Айниқса, вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли «Ёрулла Норбеков» номли, вилоят газлаштириш бошқармаси идораси тасарруфидаги «Зангори олов» ҳамда Зомин туманидаги «Жиззахтелеком» шўъба корхонасига қарашли «Алоқачи» оромгоҳлари фаолияти ҳам эътиборга сазовордир.

Дилноза САИДОВА



МЕХНАТСЕВАР БУНЁДКОРЛАР

НАВОИЙ

Бу йил Навоий вилоятдан 1215 нафар талаба-ёш «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида иштирок этиш истагини билдирган. Уларнинг аксарияти Хатирчи, Кармана, Навбахор туманлари ва Навоий давлат кончилик институтининг ўқув биноларини таъмирлаш ишларига бош қўшмоқда.

Биргина «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Навоий давлат кончилик институти бошланғич ташкилотига икки юз нафар талаба-ёш ариза топширди. Яқинда уларнинг юз нафари янгидан қурилаётган институт биносининг қурилиш ва таъмирлаш ишларига кузатилди. Улар Навоий давлат кончилик институтининг янги ўқув биносидаги қурилиш ишлари билан яқиндан танишиб, ўзларига бириктирилган ишларни бажаришга киришиб кетди.

«Бунёдкор»чилар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, ётоқжой ва ойлик-маош билан таъминланган, келиб-кейтишлари учун транспорт воситаси ташкил этилган. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида иштирок этиш истагини билдирган талаба-ёшлар қурилиш объектларидан ташқари, қабул комиссиялари, ёзги дам олиш оромгоҳлари ҳамда қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат фаолиятларини бошлаб юборишган.

Отабек АСЛОНОВ

ЖИЗЗАХ

Айни кунларда Зарбдор туманидаги «Бунёдкор»чилар ҳам қизгин иш устида. Бўш вақтини фойдали иш билан ўтказиш, қолаверса, тузуккина даромадга эга бўлиш мақсадида зарбдорлик олтмиш нафар ёш «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига аъзо бўлди.

«Бунёдкор»чилар Зарбдор тумани «Ниҳол» масивидаги намунавий уй-жойлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника қурилишида уста-қурувчиларга кўмаклашиб, ўзлари ҳам устачилик сирларини пухта ўзлаштиряпти. Бу ерда «Энг яхши меҳнат гуруҳи», «Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси» танловлари ўтказилмоқда. Масалан, «Энг яхши меҳнат гуруҳи» номинацияси бўйича «Кентавр класс» қурилиш фирмасида меҳнат қилаётган «Бунёдкор»чилар голиб чиққан бўлса, «Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси» номинацияси бўйича биринчи бўлиш Довуд Турғуновга насиб этди.



СУРХОНДАРЁ

Жорий йил Термиз шаҳрида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига саксон нафар термизлик ёш аъзо бўлди. Улар «Ёш қурувчилар» ва «Бинокор» гуруҳларига бўлиниб, шаҳардаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларида меҳнат қилишяпти. Меҳнат гуруҳларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда фуқаролар йиғинларидан маҳалла побонлари назоратчи сифатида бириктирилган.

«Ёш қурувчилар» гуруҳи «Ёшлар маркази» қурилишида уста-қурувчиларга кўмаклашаётган бўлса, «Бинокор» гуруҳи аъзолари Термиз шаҳридаги Султон-Саодат кўчасида ёш оилалар учун барпо этилаётган турар-жойлар қурилишида «Саодатбону-Азиза-Термиз» қурилиш корхонаси уста-қурувчиларига ёрдамлашяпти. «Бунёдкор»чилар учун «Камолот» ЁИХ Термиз шаҳар кенгаши тизимли равишда маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиб келяпти.



ХОРАЗМ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши, Урганч давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳасида иштирок этиш истагини билдираётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб борапти. Негаки, «Бунёдкор»чилар сафига қўшилган ёшлар ўзлари учун қулай шартнома асосида, барча шароитларга эга бўлган меҳнат объектларида ишлашади.

Яқинда Урганч давлат университети, ТАТУ Урганч филиали, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаларидан ташкил топган «Бунёдкор»чиларни меҳнат объектларига кузатиш маросими бўлиб ўтди. Уларнинг йигирма нафари Урганч давлат университетига қарашли дала ўқув тажриба майдонида, ўттиз нафари университетнинг бош биноси қурилишида «10-қишлоқ қурилиш» корхонаси билан шартнома асосида меҳнат қиялпти. Яна ўттиз нафари университетнинг жисмоний маданият факультети биносида «Жаҳонгир кичик қурилиш» МЧЖ корхонаси билан қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажаришяпти. Урганч туманидаги Қоромон қишлоғига қарашли

А.Ёқубов номидаги оромгоҳда ўн беш нафар, Урганч шаҳрида «Саноат-кимё монтаж» қурилиш корхонаси томонидан барпо этилаётган «Ёшлар маркази»нинг қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида йигирма нафар «Бунёдкор»чи талаба меҳнат қилаяпти. Қирқ нафар тиббиётчи талаба эса ўзларига ажратилган Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг янги ўқув биносида «Махсус қурилиш» МЧЖ билан шартнома тузиб, қурилиш ва таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини бажаришга бел боғлашди. Шунингдек, Хонқа туманидаги Тамадургадик қишлоғида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уй-жойларда ҳамда Богот туманидаги мусиқа ва санъат мактаби қурилишида ҳам кўнгилли ёшлар уста-қурувчиларга яқиндан кўмаклашмоқда.

— Ёшлар ташкилоти кўплаб лойиҳа ва тадбирлар ўтказиб келяпти. Биз, талаба-ёшлар нафақат маънавий-маърифий тадбирларда, балки «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида ҳам фаол иштирок этяпмиз, — дейди Урганч давлат университети талабаси Хушнудбек Йўлдошев.

Бундан ташқари, туман ва шаҳарларда ҳам кўнгилли ёшлардан иборат 139 та меҳнат гуруҳи тузилиб, қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш, намунавий уй-жойлар қурилишида, қишлоқ хўжалиги, педагогика, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилаяпти.

Шахло САФАШЕВА

Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Паркент туманидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳида «Камолот»да ёз — ўтар жуда соз» номли тадбир бўлиб ўтди.

«Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда оромгоҳ дам олувчилари иштирокида асфальтга расм чизиш, эстафета ўйинлари, шахмат-шашка ва бошқа спорт мусобақалари ташкил этилди. Тадбир давомида ўқувчиларнинг мусиқий чиқишлари ҳамда турли рақслари намойиш этилди. Тадбирларда фаол иштирок этган болалар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Тўрақўрғон туманида 2000 — 2005 йилларда туғилган ўғил болалар ўрта-сида юнон-рум кураши бўйича мусобақа ташкил этилди.

Мусобақага ички ишлар профилактик назоратида турувчи вояга етмаган ёшлар ҳам жалб этилди. Беллашулар сўнггида голиб деб топилган курашчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Китоб туманидаги болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида «Ёзни «Камолот» билан!» шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Вилоят «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ва сардорлар кенгаши аъзолари тумандаги «Кимёгар», «Нурафшон», «Ёш алоқачи» оромгоҳларида бўлиб, «Сиз «Камолот»ни биласизми?», «Расм чизиш» ижодий танлови, «Футбол-шоу» ҳамда шахмат мусобақасини уюштиришди. Лойиҳаларда фаол иштирок этган болаларга эсдалик совғалар топширилди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилоятининг барча ҳудудларида «Жиззах юлдузлари» номли иқтидорли ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мазкур фестивалнинг дастлабкиси Дўстлик туманида ташкил этилди. Фестиваль иштирокчилари тумандаги Мотамсаро она монументига гулчамбарлар қўйишди. Ёшлар тумандаги «Нурли дон» МЧЖда ишлаб чиқариш жараёни, корхонада ишчилар учун яратилган шароитлар билан танишишди. Фестиваль концерт дастури билан якунланди.

Mustaqillik farzandlari



ФЕРМЕРЛИК ЯРАШГАН ФЕРУЗА

Ферузанинг кўнглидай кенг дала-лари бўйлаб одимлаймиз. Унинг бо-шоғи донга тўлиб, бошини эгаётган буғдойлари, гўё меҳмонига «хуш келибсиз», дея таъзим қилаётгандек туюлади. Ана, нарироқда комбайн иш-ляпти, унинг рулида бир йигит.

— Бекзодга хали-бери тинчлик йўқ, — дейди Феруза жимликни бузиб ва комбайнчи йигитга «Хорманг!», дея қўл силкитади. — Фулом ака иккиси ўттиз беш гектар ердан давлатга тўксон тонна, менга қирк тонна буғдой йиғиб бе-риши керак. Ваъда берган ахир, шун-га кечаю кундуз ишляпти улар.

Шу ерда фермер қизнинг «Ваъда берган ахир...» деганига эътибор қаратсак. Айнан шу таъкид менда фермер хўжалиги ходимлари ҳақида илиқ таассурот уйғотди. Ахир, ваъда бериш ҳаммининг ҳам қўлидан кел-майди, фақат ўзига ишонганлар ва Бекзодга ўхшаб ишини яхши кўради-ганлар беради уни.

Ўттиз беш гектар буғдойзор, йигир-ма гектар пахта даласидан ўтдик ва арпа, беда экилган ерга келдик.

— Уларни чорва молларимиз учун эканмиз, — дейди Феруза Жўраева. — Олтмиш гектар ернинг беш гекта-рида емиш етиштирамиз. 2012 йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтказган «Ёш тадбиркор — кела-жакка пойдевор» республика танло-

вида голиб бўлдим. Банкдан йигирма миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Унга ўн бош сигир сотиб олдик. Улар сони бугун 32 тага етди. Энди сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона очсакми, деб турибмиз.

Дарвоқе, бугунги фермер умрини шому саҳар далада ўтказадиган қишлоқ хўжалиги ходими эмас, балки турли маҳсулотлар ишлаб чиқа-рувчи тадбиркор ҳамдир.

— Феруза фермерликнинг урдаси-дан чиқолмайди, деб ўйлаганим рост, — дейди «Шабнам нурли замин» фер-мер хўжалиги ходими Абдужаббор Турдикулов. — Боиси, атиги тўрт йил олдин ҳам бу ерлар ташландиқ ерлар эди. Феруза журъатли қиз чиқди, иро-даси ёввойи ерни бўйсундирди. 2011 йил хўжалик қирк гектар ерга буғдой, пахта экиб, режани ортиги билан ба-жарди. Ҳар гал Ферузанинг шижоати-ни кўриб, яшаргандек бўламан.

Гулистон шаҳар педагогика колле-жини битирган Феруза Жўраева Рес-публика бизнес марказига борди. Марказда фермер хўжалигини бош-қариш сирларини кунт билан ўрган-ди. Шундан сўнг Сирдарё вилояти Боёвут тумани ҳокимиятига ер сўраб мурожаат қилди. Унга қирк гектар ер беришди.

— Албатта, ҳаммаси силлиқ кечга-ни йўқ, фермер бўламан деганимда,

аввалига менга ишонишмаган, — дея жилмаяди фермер қиз Феруза.

ЕРГА МЕҲР — ЭЛГА МЕҲР

Қаҳрамонимиз ерга меҳр қўйди, вақ-тида уни озиклантирди, суғорди. Унинг яна бир одати — ўрни келса, хўжалик ходимлари билан бирга ишлаб кета-веради. Масалан, пахта йиғим-терими-да кунига 120-130 килограмм пахта те-ради. Трактор ҳам ҳайдайди. Унинг учун қишин-ёзин иш қизгин. Ташаббус-кор, янги лойиҳаларга қўл уришдан чўчимайдиган фермер қизнинг инти-лишлари давлатимиз томонидан му-носиб тақдирланиб келинмоқда. Хусу-сан, у 2012 йилда «Ўзбекистон белги-си» кўрак нишони билан, 2013 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланган.

— Юртимизда ўқиган, ишлаган одам, у ёшми, қарими, албатта рағбат топади, — дейди Феруза Жўраева. — Президентимиз нега ҳар доим биз, ёшларга имконият бериш кераклиги ҳақида гапирадилар, қўллаб-қувват-лайдилар? Буларнинг бари мамлака-тимиз келажагини ўйлаб амалга оши-рилаётган чора-тадбирлардир. Юрт келажаги, эртанинг ишончи деб қара-лаётган эканмиз, бунга муносиб экан-лигимизни билишимиз, меҳнатимиз билан исботлашимиз керак.

Сўзи билан иши бир фермер яқин-

Сирдарё вилояти Боёвут тумани томонларга бирров йўлингиз ту-шиб, ёш фермер Феруза Жўраева-ни сўрангиз, таниган-билганлар: «Ха-а, ўзимизнинг Синчалакми?», дейди. Шунда хаёлда бир ўй ярқ этиб, гарчи кўрмаган бўлсак ҳам, беихтиёр кўз ўнгимизда унинг қиёфаси — ушоққина жуссали, нозик, тиниб-тинчимас қиз гавда-ланади. Бу илк тасаввур бўлиб, аслида у бутунлай бошқача қиёфа-даги инсон бўлиб чиқишимиз мум-кин. Тахмину тасаввурларимиз жиловини қўлга оламиз-да, «Шаб-нам нурли замин» фермер хўжали-ги сари йўлга тушамиз. Ахир, уни ўша тенгдошимиз бошқаради...

да буғдой топшириш режасини бажар-ди. Бу йилги пахта ҳам чакки эмас. Яқинда хўжаликка Боёвут агросаноат коллежини битирган беш нафар ёш ишга олинди. Унинг фермер хўжалиги билан боғлиқ сўнгги янгиликлар шу.

ФЕРМЕРНИНГ ПЕШОНА ТЕРИ

— Дадам билан қишлоғимиздаги бозорга бордик. У киши ҳамма нар-сани савдолашди, яъни айтилган нархларни уч-тўрт сўмга туширди-ю, мева-чева, савзаботларни ўзининг баҳосида олди. Сабабини сўрасам, «Улар шаҳардаги олибсатарлар эмас, қизим, ҳақиқий деҳқон, фер-мерлар. Улар бу неъматларни пешо-на тери билан етиштирган» деди...

Сирдарёлик ёш фермер, Тошкент давлат аграр университети талаба-си Феруза Жўраева ўшанда пешона терини тўкиб меҳнат қилишнинг ба-ҳосини билиб олди. Бугун у ўшан-дан бошлаб ўзи учун қадрли бўлиб қолган қоидага амал қилади: ҳалол меҳнат қилиш керак.

Бу уни келгусида чўққиларга олиб чиқишига ишонади. Ана шу ишонч уни яна ҳам кўпроқ ўқиш-ўрганишга ундайди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Shukronalik

КЎРГАН ҲАВАС ҚИЛАДИ

Дадам ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилади. Юрт тинчлиги, осойишталиги учун эрта тонгдан отланиб, кеч тунда қайтади. У киши уйга келганидан сўнггина барчамиз хотиржам уйкуга кетардик. Аммо одатий кунларнинг бирида бунинг акси бўлди.

Хизматдан қайтган дадам-га пешвоз чиққанимда қўлимга «Қишлоққурилиш-банк» томонидан тақдим этилган бир даста ҳужжатни тутқазди. Ўқиб қарасам, Юртбошимизнинг ҳарбий-ларни уй-жой билан таъмин-лаш тўғрисидаги қарорига биноан кредит — тўлов асо-сида замонавий-намунавий типдаги ҳовли-жой қурили-ши ҳақидаги шартнома экан. Биз, болалар хурсанд эдик. Олдиндан уйни қандай

ясатиш тўғрисида режа ту-зишга туша бошладик, аммо уй-жой қуриш осон иш эмас-лигини яхши билган ойим қаршилик кўрсатди:

— Дадам уй кураман деб соч-соқоллари оқарди. Имо-рат қиладиган одамда катта маблағ, усталарга қараш учун бўш вақти бўлиши керак. Ик-каламиз ҳам ишласак, қури-лишдан хабар ололмай танг аҳволга тушиб қолмаймизми? Жон дадаси, кўп қаватли уй-дан олган хонадоннинг ўзи

ҳам етади менга, — деди қатъият билан.

Шундан сўнг дадам ойим-га қурилиш давлат ҳисобидан амалга оширилишини, назо-ратчи ҳам, кузатувчи ҳам ке-рак эмаслигини, биздан фа-қат бир йилдан сўнг яшашга тайёр уй қалитини қабул қилиш талаб этилишини ту-шунтирдилар.

Ер ажратилиб, қурилиш бошланди. Дадам бир томо-ша қилиб келинлар деб, янги уйимиз қурилаётган жойга олиб бордилар. Авва-лига барчамиз ҳайратдан ёқа ушладик. Хароба, ташландиқ жой... Менга бу жойни яқин орада ободонлаштиришнинг иложи йўқдай кўринди. Аммо қурилиш шундай жадал суръ-атда олиб борилдики, қисқа муддатда бир аҳоли яшайди-ган шаҳарча пайдо бўлди. Равон йўллар, савдо мажмуа-лари, болалар майдончаси,

янги мактаб, боғча қуриб битказилди. Янги, шинам уй-ларга бирин-кетин одамлар кўчиб келмоқда. Уйлар атро-фи гулзор, боғ-роғларга ай-лантирилмоқда.

Эл қатори биз ҳам минг бир ҳаяжон билан янги уйга кўчиб ўтдик. Шаҳардаги кўп қаватли уйимизда бўлган шарт-шароитлар бу ерда ҳам биз учун муҳайё. Ойимни қийнаган шубҳа-гумонлар ариди, кўнглилари янги уйда таскин топди.

Яқинда шаҳарчамизга чет эллик меҳмонлар келди. Яшаш тарзимиз билан тани-шиб, уйнинг баҳосини сўраш-ди. Белгиланган нарх ўн беш йилга кредит асосида тўлани-шини эшитиб, ҳайратларини яшира олишмади. Шундан сўнг тушуниб етдимки, маб-лағ, вақт, қурилиш моллари, ҳужжатларни тўғрилай учун югур-югурларнинг барчасини

ҳукуматимиз халқ фаровонли-гини таъминлаш мақсадида ўз зиммасига олган.

Бу юртда инсон қадр, унинг манфаати барча нарса-дан устун эканлигига меҳмон-лар ишонч ҳосил қилишди. Айниқса, бир меҳмоннинг сўзи менга қаттиқ таъсир қилди:

— Юртингизга ҳар келган-нимда жуда кўп ўзгаришлар-нинг гувоҳи бўламан. Кенг ва равон кўчалар, осмонўпар иморатлар, тезюрар поезд-лар барча-барчаси кўзни қувнатади. Бундай шарт-ша-роитларни ўзга мамлакат-ларда кўрмадим. Ватанингиз ёшларига ҳавасим келади. Ҳақиқатдан ҳам, бу заминда инсон қадр, баланд, — дей-ди нидерландиялик меҳмон.

Бундай гаплардан сўнг, юрагимда ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уриб кетди. Ўзбек фарзанди эканлигим-дан фахрландим. Ватанимга фойдам тегиши учун нимадир қилгим келди. Энди мақсадим аниқ. Юртим ривожига нафим тегадиган инсон бўламан.

Шаҳноза РАВШАНОВА

Ona yurt bo'ylab «sayohat»

Хур ва обод Ўзбекистоним!

Яқинда оммавий ахборот воситаларида Самарқанд албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёдаги 50 шаҳардан бири сифатида эътироф этилгани хабар берилди. Дунё кезган сайёҳлар ва мутахассислар фикри асосида шундай хулосага келинганки ҳар бир юртдошимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шу билан бирга хаёлдан шундай сўз ҳам ўтиши табиий: «Бугун бутун Ўзбекистон шундай кўркем ва улғувор қиёфа касб этмокдаки, унинг қай гўшасига қадам қўймасин, дўстлар кўзи қувонади. Фақат пойтахт ёки вилоят марказлари эмас, барча туман, қишлоқ, маҳаллаларда бунёдкорлик нафаси. Бу фақат замонавий бино ва иншоотлар, завод ва корхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёдкорлиги эмас, фаровон ҳаёт, обод турмуш бунёдкорлиги!

Қадрли тенгдошлар, азиз ўқувчилар! Янги ташкил этган ушбу саҳифамиз орқали сизни юртимиз бўйлаб ўзига хос «саёҳат»га чорлаймиз. Умид қиламизки, у орқали сизда мамлакатимизда истиқлол йиллари амалга оширилган буюк ўзгаришлар, бунёдкорликлар ҳақида янада равшан тасаввур ҳосил бўлади. «Turkiston»да қилган «саёҳат»ингиз сизни гўзал Ўзбекистон бўйлаб реал саёҳатга ҳам илҳомлантирса, ажаб эмас.



Farg'ona viloyati

Яқинда Фарғона шаҳрида янги Санъат саройи қуриб битказилди. Ушбу кўркем кошоно вилоят жавоҳири, деган номга лойиқ. Бино минг ўринга мўлжалланган. Унинг атрофидаги хиёбонда кўплаб манзарали дарахтлар экилган. Мусиқали фавворалар эса дилни яйратади.



Фарғона халқаро аэропорти учун қурилган янги бино.



Фарғона шаҳрининг марказий хиёбони. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали.



Фарғона шаҳридаги «Евросиё ТАПО-ДИСК» Ўзбекистон-Англия-Швейцария қўшма корхонасида маҳаллий автомобиллар учун 35 турдаги дисклар тайёрланади. Улкан ишлаб чиқариш мажмуаси ойига 100 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 500 нафарга яқин ўзбекистонлик ёш мутахассис меҳнат қилмокда.



Фарғона ахлининг яна бир фахри — замонавий сув спорти мажмуаси ҳам бу йил бунёд этилди. Унда улкан сув ҳавзаси, машғулот ва тренажёр заллари мавжуд. Болаларнинг сузиш, синхрон сузиш, сув полоси каби спорт турлари билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратилган.



Вилоятда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш изчил давом этмокда. «Соғлом бола йили»да Бешарик, Сўх, Бувайда, Олтиариқ туманлари, шунингдек, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида жами олтига ана шундай таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.



ЎЗА суратларидан фойдаланилди

Фарғона юқори инвестицион салоҳиятга эга ҳудуд. Айни кунда вилоятда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмокда. Кўкон шаҳридаги «Индорама текстиль», Фарғона шаҳридаги «Fergana-Turon-Textile», «UzSungwoo» қўшма корхоналари, «ДЭУ текстиль Фарғона» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидан.



Саҳифани Элмурод Нишонов, Нарғиза Умарова тайёрлади.



МЕХНАТДАН КЕЛСИН БОЙЛИК

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётгани турли махсулотлар ишлаб чиқариш, етиштириш ва уларни қайта ишлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса, ёш тadbirkorлар сафининг кенгайиб бораётгани мамлакатимиз ҳар жабҳада юксалаётганидан далолат беради. Қарши шаҳридаги «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Шакарбек Ҳамроев атиги уч йил олдин «Эзгу диёр паррандаси» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этганди.

— 2011 йилда банк кредити эвазига қуввати 40 минг жўжа парвариш қилишга мўлжалланган инкубаторларни қуриш ишларини амалга оширган эдик, — дейди Шакарбек Ҳамроев. — Мана, сабъ-ҳаракатларимизнинг самараси ўлароқ, кўзлаган мақсадларимизга эришиб келаяпмиз. Инкубаторлар учун махсус бино қуриб, уни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида дизел электр станциясини ишга туширдик. Бу эса, албатта, ўз навбатида насли тухумларимизнинг тез суръатда жўжа очиб, ишимизнинг янада яхшиланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

«Эзгу диёр паррандаси» МЧЖда йигирма нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Шакарбек бошчилигида уларнинг меҳнатлари билан ўтган давр мобайнида МЧЖ фаолияти янада яхшиланиб, юқори марраларни забт этиб келаётир. Ёш тadbirkor фаолияти давомида бир неча минг жўжани парваришлаб, ички бозорларимизни гўшт ва тухум махсулотлари билан таъминлаб, аҳолига кенг хизмат кўрсатмоқда.

Шакарбекнинг ишбилармонлик ҳаракатига қойил қолмасдан илож йўқ. Вақт ўтиши билан бошлаган ишини янада кенгайтиришга, бу борада керакли ишларни амалга оширишга киришган тadbirkor эндиликда қуввати 80 минг жўжа парваришлаган мўлжалланган инкубаторларни қуришга эришди. Албатта, юртимизда тadbirkorликка қаратилаётган эътибор, қолаверса, ҳалол меҳнат ордидан келаётган даромад Шакарбекни янада олға ҳаракатга ундаган бўлса, ажаб эмас.

Ёш тadbirkor Шакарбек Ҳамроев кўплаб ярмарка ва кўргазмалар, «Ташаббус», «Ёш тadbirkor — юртга мададор» каби кўрик-танловларнинг доимий иштирокчиси ҳамдир.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

КИМНИНГ БИЗНЕС- РЕЖАСИ ЯХШИРОҚ?

Термиз ахборот технологиялари касб-хунар коллежида «Ёш тadbirkor — юртга мададор» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбарлари ва вилоятдаги тижорат банклари ходимлари билан биргаликда ёш тadbirkorлар иштирок этди.

Тadbirkorда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш тўғрисида маърузалар тингланди. Шунингдек, ўтказилган тadbirkorда биринчи навбатда чекка ҳудудлардаги ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги махсулотларини ўз вақтида етказиш ва қишлоқ инфраструктурасини яхшилашга доир тузилган бизнес режаларга асосий эътибор қаратилди.

— Тadbirkorнинг вилоят босқичида ҳудудий босқичлардан саралаб

олинган ёшлар бизнес режалари билан иштирок этмоқда, — дейди «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тadbirkor» консултатив маркази директори Хусниддин Қодиров. — Тақдим этилаётган бизнес режалар пухта ва қулай тузилганлиги билан бирга, улар эртага фойда келтириши аниқ бўлиши керак.

Тadbirkorда «Қишлоққурилишбанк»и ОАТБнинг Сурхондарё минтақавий филиали кредитлаш бўлими бошлиғи Тўрамурод Холбоев ҳам ёш тadbirkorларга керакли кўрсатмаларни бериб, улар олиши мумкин бўлган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунтирди.

— Айни кунда мен «МС Маржона» МЧЖ иш бошқарувчисиман, — дейди иштирокчи Шаҳноза Холмуродова. — Ушбу тadbirkorда тўй ва миллий либосларни тикиш, сотувини кенгайтириш ва МЧЖнинг филиалини ташкил этиш борасидаги лойиҳам билан қатнашяпман. Бизнес режа амалга ошса, бир неча бўш иш ўринлари яратардим. Лойиҳам мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Ун саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган мазкур тadbirkorда иштирокчиларнинг ўн нафари Республика босқичи йўлланмасини қўлга киритган бўлса, ўн нафар иштирокчининг бизнес режаси вилоят босқичида молиялаштириш учун тавсия қилинди. Қолган эллик нафар иштирокчининг лойиҳалари ишчи гуруҳ томонидан қайта ўрганиб чиқиладиган бўлди.

Ma'naviyat

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тadbirkorлари тўғрисида»ги қарори билан ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари болалар ва уларнинг ота-оналари учун республика давлат музейларига бепул кириш кунлари этиб белгиланди.

МУЗЕЙЛАРГА БЕПУЛ КИРИШ КУНЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бундан кўзланган мақсад «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига хилқимизнинг бой миллий мероси ва тарихий ўтмишини ҳурмат қилиш ва эъзозлашни сингдириш ҳамда аҳоли дам олишини мазмунли ташкил этишдир.

Шу билан бирга, қарорда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг аҳоли, айниқса, ўқувчи ёшларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар йили 2 — 8 сентябрь кунлари «Музейлар ҳафталиги»ни ва унинг доирасида маданий-маърифий тadbirkorлар ўтказиш ҳамда аҳолининг шу кунлари давлат музейларига бепул кириши тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда «Музейлар ҳафталиги»ни ва унинг доирасидаги маданий-маърифий тadbirkorларни юқори савияда ўтказиш чора-тadbirkorларини ишлаб чиқади ва улар амалга оширилишини таъминлайди.

Шохрух ОРТИҚОВ,
«Turkiston-пресс»

Minbar

ЛИЦЕЙДА ЯХШИ АНЪАНА

Истиқлол бизга улкан имкониятлар эшигини очди. Айниқса, ёшларнинг билим олишига ва мустақил ишлашлари учун қулай замин яратди. Натижада ёшларимиз, турли соҳаларда етакчилиكنи қўлга олмақда ва дунёдаги тенгдошларига керак бўлса, ўрнатилган бўлмоқда.

Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчилари айнан шундай қулай шароитдан, мана бир неча йилдирки, самарали фойдаланиб келмоқда. Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган академик лицей ўқувчилари бугун юртимиз довуғини дунёга танитмоқда.

Мамлакатимиз эртанги куни бугунги билимдон болалар кўлида. Буни Юртбошимиз ҳам бот-бот тақдорлайдилар. Вилоят марказида биринчи ташкил этилган лицейда айни пайтда 900 нафардан зиёд ўқувчи таълим олади. Ҳар

йили уч юз нафардан зиёд битирувчининг етмиш фоизи олий ўқув юртлари имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлмоқда. Бу эса лицейнинг кичик курс ўқувчиларига намуна бўлиб, улардаги шижоатни оширади. Айнан шу эзгу анъана бир неча йилдан буён давом этмоқда.

Хусусан, лицей ўқувчилари мунтазам тарзда фан олимпиадаларида иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили 47-Менделеев олимпиадасида ғолиб бўлган Восеъ Ҳусанов шу йили кимё фанидан ўтказилган олимпиаданинг республика бос-

қичи ғолиби бўлди. Натижада ўқувчимиз олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзига эга бўлди. Аълочи ўқувчиларимиздан Н. Тўймуродова Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритиб, у ҳам ўз навбатида шундай имтиёз эгаси бўлди.

Катта йўл бошида турган болага тўғри йўл кўрсатиш масъулиятли вазифа. Лицейимизнинг малякали ўқитувчилари ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Натижада, болалар ўз йўлларидан қийналмасдан, ўзлари танлаган соҳада қоқилмасдан қадам ташлайдилар.

Азизжон ҚОСИМОВ,
НДПИ қошидаги
академик лицейнинг
маънавият ва
маърифат ишлари
бўйича директор
ўринбосари

■ Vatan himoyasi — muqaddas burch ■

Ватан тараққиёти, юрт истиқболи, энг аввало, осмонимиз мусаффолиги, ҳур заминимизнинг тинч осойишталигига боғлиқ. Ана шу тинчлик сабаб тунларимиз осуда, тонгла-римиз мунаввар. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан олиб борилаётган бугунги қизгин иш жараёни ёш йигит-қизларимиз учун ўзига хос чиниқши мактаби бўлмоқда. Буни биз мазкур ташкилотнинг Бекобод шаҳар ўқув-спорт техника клуби фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида яққол ҳис этдик.



ИРОДА МАШҚЛАРДА ТОБЛАНАДИ

Замонавий ўқув биноси ва илгор технологик жиҳозларга эга ўқув спорт техника клубида машғулотларни изчил олиб бориш учун барча зарур шароитлар муҳайё қилинган. Компьютер хонаси ташкил этилиб, электрон дарсликлардан унумли фойдаланилмоқда. Автомобиллар соз ҳолатда турибди. Малакали уста-ҳайдовчилар автомобилни бошқариш сир-асрорларини мукамал ўргатиб боришади.

Ўқув спорт-техника клуби қошида «Пневматик милтиқдан ўқ отиш» ва «Ёзги биатлон» секциялари фаолият олиб бормоқ-

да. Уларда тўксон нафарга яқин бола мунтазам шуғулланмоқда.

Ўқувчи-ёшларни, айниқса, ўғил болаларни ҳарбий-спорт ўйинларига жалб этиш, уларни ҳар томонлама чиниқтириб боришда «Армиямиз — бизнинг фахримиз» мавзусидаги давра суҳбати, шунингдек, «Камолот» ЁИХ Бекобод туман кенгаши, туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Юрт ҳимоясига барчамиз масъул» мавзусида «Ўзбегим ўғлонлари»

кўрик-танловининг ўтказилганлиги кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Айни бир пайтда ўқувчи-ёшлар иштирокида «Уйла, изла, топ!» интеллектуал беллашуви ўтказилди. Иштирокчилар ташкилот томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, ҳарбий қисмлар, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, касб-хунар коллежлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси ҳамкорлигида «Ёш чегарачилар» ҳарбий ватанпарварлик ҳамда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақала-

ри юқори савияда ўтказилди.

Ташкилотда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Фахрийлар ва ёшлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган «Уч авлод учрашуви» тадбири, ёшлар ўртасида турли хил иллатларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилаётган учрашув ва давра суҳбатлари фикримиз далилидир.

Юртимиз осойишталигини таъминлаш, Куролли Кучларимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга бел боғлаган ёш йигит-қизларимиз Бекобод шаҳар ўқув спорт-техника клуби сабоқлари асосида билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

■ San'at ■

ТАСВИРДАГИ ЖОЗИБА



Рустам Назарматов олган сурат

Суратлар Владимир Шлосберг томонидан танланиб, муаллифнинг бетакрор шаҳар ҳақидаги шахсий қарашларини ифодалайди. Профессинал фоторассом маҳорати унинг ёруғлик, ранглар, экспозиция билан ишлаш қобилияти гўзал ва замонавий, эсда қоларли кутилмаган воқеалар ўчоғи бўлган Парижнинг тимсолини яратишга имкон берди.

Фотокўргазма муаллифи Владимир Шлосберг 1948 йилда таваллуд топган. Новосибирск электротехника институтининг «Электрик станциялар» йўналишини тамомлагач, Ўзбекистонга келади. Бу ерда турли лавозимларда ишлаб, 2008 йилда нафақага чиқади. 1981 йилда Москванинг Сиртқи халқ санъат университети тасвирий санъат факультетининг «Ранг-тасвир ва графика йўналишини тамомлаб, «Ранг-тасвирчи рассом» ва «Мураббий

рассом» мутахассисликлари бўйича иккита дипломнинг соҳиби бўлади.

Фотографияга эрта қизиқа бошлаган Владимир Шлосберг 12 ёшида отасининг эски фотоаппаратини топиб олиб, атроф-муҳитни суратга тушира бошлайди. Дунёнинг турли шаҳарларида ижодий сафарда бўлган фоторассом инсон ҳиссиётларини ифодалайдиган юзлаб фотоларни суратга олди.

2008 йилда Тошкент фотосуратлар қошидаги «Ижодий фотография мактаб-студияси»да малакасини оширган Шлосберг турли жанрларда ижод қилган. Унинг психологик портрет, манзара, натюрморт, репортаж жанрига мансуб асарлари соҳа матахассисларининг назарига тушган. Ўз устида тинмай ишлаган ижодкор компьютерни ўзлаштириш билан бир қаторда, «Nikon F60» ва «Nikon D300» русумидаги замона-

Тошкент фотосуратлар уйида танлиқ фоторассом Владимир Шлосбергининг «Франция ўзбек рассомлари нигоҳида» деб номланган фотокўргазмаси очилди. Ушбу фотокўргазмада муаллифнинг Парижда 1997 — 1999 йилларда олган 100 дан ортиқ суратлари ўрин эгаллаган бўлиб, бу тўрққини «Париж, XX аср охирида» деб аташа ҳам бўлади.

вий фотоаппаратларда ҳам профессионал даражада суратга ола билади.

Кўргазмада томошабинлар муаллиф билан биргалиқда фақатгина романтик, ҳиссиётга бой «Париж — орзулар шаҳри»ни эмас, балки, ривожланган, замонавий ва уйғунлашган шаҳарни кўришди. Бу суратлар «Canon A-20» ва «Nikon F60» фотоаппаратлари ёрдамида ишланганлиги, айниқса, суратлар жозибдорлигини таъминлаган. Қатор халқаро ва республика танлов, кўргазмаларининг иштирокчиси ҳамда совриндори, кўплаб шахсий кўргазмалар муаллифи Владимир Шлосбергининг Тошкент фотосуратлар уйида намойиш этилган кўргазмаси ҳам барчада илиқ таассурот қолдирмоқда.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири



Олтидан ясалган қулоқчинлар

Футбол бўйича жаҳон чемпионати якунланганидан сўнг қулоқчин ишлаб чиқарувчи «Beats» компанияси жаҳон чемпионларига олтин қулоқчинлар совға қилди.

Ташаббус Германияга муҳлисик қилган компания раҳбари ва хонанда Андре Ромелле томонидан чиққан. Қулоқчинларнинг ташқи қисми тўлиқ соф олтидан ишланган бўлиб, одатий «Beats» қулоқчинларидан бироз оғирроқ. Қулоқчинларнинг ҳатто овоз кўтаргич ва пасайтиргичлари ҳам олтидан. Маълум бўлишича, шу вақтгача бундай қимматбаҳо қулоқчин чиқармаган компания ҳар бир қулоқчинга 24 қарат олтин сарф этган. Шунингдек, «Beats» ходимлари Марио Гётце ва Бастиан Швайнштайгер учун яна бир неча хил олтин совғалар жўнатган.

Улар динозавр эмас, қушлар!

Хитой олимлари қушларнинг аждоди динозавр эмаслигини мезолит эрасининг иккинчи даврига оид кичик патли жониворни тадқиқ қилиш орқали исботлади.

Мўғулистон ҳудудидан топилган «Scansoriopteryx» номли патли жонзотнинг тошга айланган қолдигини ўрганиб чиққан олимлар, унинг скелетида динозаврларга хос жиҳат йўқлигини аниқлади. Аввалига натижалар жониворнинг аждоди селуросавр (динозаврларнинг энг кўп тарқалган тури) эканини, иккинчи таҳлил эса у тимсоҳларнинг дарахтда истиқомат қилган аждоди — архозаврнинг авлоди эканини кўрсатган эди. «Scansoriopteryx»да қушлар танасига хос аъзолар: чўзилган олд оёқлар, патлар, ой шаклидаги билак суяклари, дарахт шоҳида ўтиришга мослашган оёқлар топилди.

Муносиб жазоланди

Нидерландия музейидан 2012 йилда машҳур рассомлар — Пикассо ва Матисснинг суратларини ўғирлаган тўрт кишидан Бухарест суди 18,1 миллион евро (тахминан 25 миллион доллар) жарима ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Жиноятчилар испаниялик Пабло Пикассонинг «Арлекин боши», франциялик рассомлар — Анри Матисснинг «Ўқийтган қиз», Клод Моненин «Ватерлоо кўприги» ва «Чаринг-Кросс кўприги», Пол Гогеннинг «Очиқ дераза олдидаги аёл», нидерландиялик Мейер де Ханнинг «Автопортрет» ва британиялик рассом Люсьен Фрейднинг «Кўзлари юмук аёл» суратларини ўғирлаган. Жиноятчилар тугилган бўлса-да, улар картиналарни йўқотганларини айтишган. Натижада ўғирликни амалга оширган тўрт асосий шахс — Рад Догар, унинг онаси Ольга, Еужен Дарие ва Андриан Прокопдан 18,1 миллион евро ундириш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Замон талаби

Эгилувчан смартфонлар ва мониторларнинг бозорда фаоллигини кўрган мутахассислар 2018 йилда дунё бозорининг қирқ фоизини эгилувчан технология маҳсулотлари эгаллашни башорат қилдилар. Эгилувчан технологиядан фойдаланиш 2013 йилда бошланган бўлса, ўшанда бу техниканинг улуши 0,2 фоиз эди. «Samsung» корпорацияси бошлаган бу технология Осиё ва Европа бозориди илиқ кутиб олинган.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

ГЕРМАНИЯ ЖАМОАЛАР, ЎЗБЕК ЙИГИТИ ҲАКАМЛАР ЎРТАСИДА ЧЕМПИОН

Бир ой давомида дунё спорт жамоатчилиги, мухлислар диққат марказида бўлган футбол бўйича 20-жаҳон чемпионати якунланди.

13 июль санасида Бразилия ва Нидерландия терма жамоалари чемпионатнинг бронза медаллари учун кураш олиб борди. Ван Перси, Блинд ва Вейналдунинг голлари Европа вакилига 3:0 ҳисобида ғалаба келтирди.

14 июль тонгида эса мухлислар мусобақанинг энг ҳаяжонли учрашувига гувоҳ бўлишди. Германия — Аргентина қарама-қаршилиги тарихи ҳақида газетамизнинг ўтган сонидан хабар бериб ўтгандик. Бу галги ўйин ҳам кутилганидек шиддатли ўтди. Асосий вақтда гол урилмаган бўлса-да, хавфли вазиятлар, дарвозага берилган зарбалар, футболчиларнинг курашувчанлиги ўйин томоша-боплигини таъминлади. Финал фаворити сифатида қаралмаган бўлса-да, Аргентина терма жамоаси Германия термасига жиддий қаршилиқ кўрсатишнинг уддасидан чиқди. Лионел Месси, Серхио Агуэро, Гонсало Игуаин, Хавиер Маскерано, Серхио Ромеро — буларни ҳеч

иккиланмасдан «кумуш мамлакат»нинг олтин авлоди дейиш мумкин. Шунчаки, уларга омад кулиб боқмади, йўқ, фақат ўйиндагина эмас, умуман, шундай нуфузли мусобақада голиб чиқишда. Омадсизликлари шуки, уларнинг мана шундай кучли, салоҳиятли футболчилардан таркиб топган пайти Германиядек ундан-да кучлироқ ва салоҳиятлироқ жамоанинг энг гуллаган даврига тўғри келиб қолди. Бунинг учун финалда рақиб дарвозаси томон йўл тополмаган на Мессини, на дарвозабон билан бирга-бир чиқиб тўп киритолмаган Игуаинни, на тактика устаси



саналмиш бош мураббий Сабелияни айблаб бўлади. Германия футболлари кейинги ўн йил ичида шу даражада ўсдики, чемпионлик шоҳсупаси узок йиллик меҳнат ва изланишларнинг оддий гултожи бўларди, холос ва шундай бўлди ҳам.

ҲАММАСИ «БРАЗИЛИЯ — 2014» ҲАҚИДА

Мусобақада 4 та учрашувни бошқариб борган ҳамюртимиз Равшан Эрматов жаҳон чемпионатлари тарихида энг кўп ҳакамлик қилган инсонга айланди — унинг мазкур нуфузли мусобақада бошқарган ўйинларининг умумий сони 9 тага етди. Бунгача ҳеч ким бундай натижага эришган эмас.

Финалда ҳакамлик қилган италиялик Никола Риццолли шу билан ушбу жаҳон чемпионатида Аргентина иштирокидаги нақ учинчи учрашувни бошқарди. Жаҳон

чемпионатининг финал босқичида бир жамоа қатнашган ўйинларни бу даражада кўп бошқариш ноёб ҳодиса.

Колумбиялик Хамес Родригес 6 та гол билан чемпионатнинг энг яхши тўпурари бўлди. Қизиғи шундаки, унинг жамоаси чорак финалдаёқ «юриш»ни тўхтатган эди.

Лионел Месси мундиалнинг энг яхши футболчиси-га аталган совринни, Мануэл Нойер (Германия) эса энг яхши дарвозабонга аталган совринни кўлга киритди.



Бу гултож тагида 2006 ҳамда 2010 йиллардаги жаҳон чемпионатлари, 2008 ва 2012 йиллардаги Европа чемпионатларидаги кумуш ва бронза медаллар, уларга эришиш йўлида тўкилган пешона терлари билан лойи қорилган мустаҳкам пойдевор ётибди.

Учрашувга кўшиб берилган 30 дақиқанинг 23-дақиқасида Андре Шюррле чап қанот бўйлаб юриш қилди ва йўлида учраган икки рақибини ортда қолдириб, тўпни жарима майдончасига оширди. Ҳимоячилар томонидан назоратсиз қолдирилган Марио Гётце тўпни кўкси билан ўзига ўнглаб олди ва туширмасдан чиройли тарзда дарвозага йўллади. Бу чемпионлик учун етарли экани орадан етти дақиқа ўтгач янграган ҳакам ҳуштагидан сўнг маълум бўлди. Германия шу тариқа ўз тарихида тўртинчи марта жаҳон футболлари тожини кийди.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Самолёт қўналаси							Тоғора, тос	Сатанг, танноз	Авто русуми	Фартук синоним
Захарли курбақа	Вой...	Кам, жичча	Оёғи ... қўли етти		Узоқ, йироқ		Забон, лисон			
			Жума (синоним)	Соч тутами				Қўрқанидан ... си ерилай деди	Қадимги чўт	Тонг, саҳар
Лавҳа, эпизод	Кўмак, ёрдам	От... (қадимий улов)				Балиқ уруғи	Қирон, эпидемия			
			Ёқубов (адиб)	Кулоққа лағмон ...	Образ, эпизод			Бадий асарлар хили	Балл, очко	
Ёввойи пиёз	Стивин ... (актёр)		Билан (поэтик)				Тааж-жуб, қизик			
				Жим гапирма	Тўтиқуш тури	Уста, ас				
Ўзинг-ни бид, ... қўй	Тахт вориси					Алишер ... (актёр)	Шипа «пиёда», қадаҳ	Важ-карсон		Киев футбол жамоаси
Ақд...	Қиммат-баҳо тош тури	Тьерри ... (футболчи)				Волида				
	Рустамова (суҳандон)	Дзю... (спорт тури)	Ахил, иноқ				Абдий, мангу	Ўзак, негиз	Қадам, юриш	
				Бўйи баланд, новча	Тасо-дифан					
Шахматдаги ҳолат		Абжақ, пачақ					Кир ювиш кукуни			
Ўлка, Болқон ярим ороли	Ғалаба ҳайқирғи				... Рено (актёр)	Шакл-дош сўзлар				
			Грек харфи	Томдаги сув йўли			Фазо, коинот			

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

«TURKISTON» САВОЛ БERAДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 21 июль** куни «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши раиси **Анвар Раҳмонов** билан бўлиб ўтади. Сўхбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совгалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Элимизнинг сеvimли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти **Маъмуржон Узоқов** ижросидаги «Мустазод» кўшиги барчамизга маълум ва халқ орасида машҳур... Ушбу кўшиқнинг сўзи **Чоқар қаламига мансуб. Савол: «Мустазод»нинг куйини қайси ўзбек бастакори яратган?**

Жавобингизни **18 июль** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Кампирак девори, Бухоро мудофааси учун қурилган.**

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидан **Баҳром Шомирзаев** йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Ҳеч нарса билмагандан кўра керагидан ортиқ билган афзалроқ.

Сенека